# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 13 октябрь, № 202 (5622) Шанба


# ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан, 11-12 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**



Ўзбекистон Президентининг ташрифи доирасидаги расмий тадбирлар 12 октябрь куни бўлиб ўтди. Озарбайжон раҳбарининг "Зуғулба" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Озарбайжон давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Илҳом Алиев фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Президентларнинг якка-якка учрашувида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларга тааллуқли кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва глобал аҳамиятга эга муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Сўнгра давлат раҳбарлари музокараларни расмий делегациялар аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар жараёнида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро муносабатлар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Илҳом Алиев Қўшма баёнотни имзоладилар. Шунингдек, 2012 — 2015 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликка доир ҳукуматлараро дастурни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ва икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури имзоланди.

Икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар самарали ва мазмунли ўтганини таъкидладилар, ташриф асносида имзоланган ҳужжатлар анъанавий дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга янги суръат бахш этишига ишонч билдирдилар.

Президент Ислом Каримов ташриф доирасида Фахрийлар қабристонини зиёрат қилди ва озарбайжон халқининг буюк фарзанди Ҳайдар Алиев қабрига гулчамбар қўйди. Давлатимиз раҳбари Шаҳидлар хиёбонидаги Шаҳидлар хотираси монументига гулчамбар қўйди. Ўзбекистон Президенти Озарбайжон давлат байроғи майдони, Ҳайдар Алиев номидаги марказ билан танишди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбайжон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.


**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Боку — Тошкент.
**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**


## Эътироф

*Жорий йил 12 — 14 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзуига бағишланган халқаро конференциянинг чет эллик иштирокчилари мазкур нуфузли тадбир якунлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини мамлакатимизнинг хориждаги дипломатия ваколатхоналарига маълум қилмоқдалар.*

# «Тошкент анжумани халқаро миқёсда муваффақиятли воқеадир»

Хусусан, **"Pathfinder Trade and Invest" компаниясининг (Буюк Британия) бош ижрочи директори М. Томас** конференция нафақат Ўзбекистон учун муҳим тадбир, балки халқаро миқёсда муваффақиятли воқеа бўлганини қайд этди. "Анжуманнинг мазмуни ва натижалари унда вакиллари қатнашган барча мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тадбир иштирокчилари ўзлари учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиёти борасида янги ғояларни кашф қилганликларига ишончим комил. Конференция доирасида турли мамлакатлардан келган ҳамкасбларим билан мулоқот қилиш имконияти ҳам мени қувонтирди", деди у.

Буюк британиялик ишбилармоннинг сўзларига кўра, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг анжуманда сўзлаган нутқи унда катта таассурот қолдирди. "Давлатингиз раҳбари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат тараққиётидаги ўрнини чуқур англайди. Бу соҳадаги муваффақиятлар кўплаб ижтимоий масалаларни, жумладан, нафақат Буюк Британия, балки бутун Европа учун долзарб аҳамиятга эга бўлган аҳоли бандлиги муаммосини ҳал қилишнинг мақбул йўлидир", дея таъкидлади М. Томас.

Конференция чоғида Бухорога уюштирилган сафар ҳақида сўзлар экан, М. Томас ушбу кўҳна шаҳар ўзида жуда кўплаб ва замонавий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштирганини билан улкан ҳайрат уйғотганини айтди. "У ердаги кўҳна меъморий обидалар авайлаб асраглани ва ҳозир ҳам ажойиб ҳолатда турганини таҳсинга молик, — деди у. — Ўзбек халқининг қадимий маданияти ва анъаналари бу заминга қадам қўйган инсоннинг хотирасида абадий муҳрланиб қолади. Қолаверса, мен Ўзбекистон аҳолидек меҳмондўст халқни ҳеч қаерда кўрмаганман".

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун кичик бизнес янги иш ўринларининг яратилиши ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғидаги молиявий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади", деди у.

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа ва янги мустақил давлатлар учун саноат тараққиёти бўйича дастури (ЮНИДО) раҳбари О. Мемедович**нинг фикрича, мазкур конференцияда қатнашиш унга нафақат мамлакатимиз эришган ижтимоий-иқтисодий муваффақиятларни ўз кўзи билан кўриш ва ишонч ҳосил қилиш, балки Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси билан ҳам яқиндан танишиш имконини берди.

"Бўлиб ўтган икки томонлама учрашувлар чоғида Ўзбекистонда ҳозирги пайтда амалга оширилаётган молиявий-иқтисодий ислоҳотлар ва бу ўзгаришлар юзасидан, шунингдек, қўшма иқтисодий ҳаётга татбиқ этиш орқали ЮНИДО билан ҳамкорликни жадаллаштириш йўллари ҳақида фикр алмашилди", деди О. Мемедович.

**"AVK Group" компаниясининг (Австрия) минтақавий менежери С. Гатценауэр** Тошкент анжуманидаги иштироки ўзи учун қимматли тажриба бўлганини айтди.

"Мазкур конференция кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўмаклашиш юзасидан Ўзбекистонда қабул қилинган чора-тадбирларни яққол намоён этди. Ўзбекистон раҳбарияти бошқа мамлакатлар ва уларнинг институтлари билан яқин ҳамкорлик қилганин ҳолда, давлатнинг муваффақиятли тараққиётида ушбу тармоқнинг ўрнини теран англашига ишонч ҳосил қилдим. Уйлашимча, мамлакатингиз тўғри йўлдан жадал одимлаб бормоқда", дея таъкидлади у.

**Австрия Ташқи ишлар вазирлигининг Болқон, Шарқий Европа, Жанубий Кавказ, Марказий Осиё масалалари бўйича департаменти бошлиғи Г. Гюрер** фикр билдирганидек, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётига устувор аҳамият берилаётгани ишбилармонлар синфини шакллантиришга муҳим ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, Г. Гюрер мазкур халқаро конференция юксак даражада ташкил этилганини ҳам таъкидлаб ўтди. Унинг айтишича, Тошкент анжумани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётдаги аҳамияти қай даражада катта эканлигини намоён қилди.

**Британия шаҳодатли ҳисобчилар институти ижрочи директори Г. Картер** Тошкентда бўлиб ўтган, кўп сонли иштирокчиларни ўз атрофига жамлаган мазкур халқаро анжуман юксак даражада ташкил қилинганини эътироф этди.

"Мамлакатингизга сафарим давомида Ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдим. Бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида институтимизнинг Ўзбекистон ҳисобчилик инфратузилмаси тараққиётига кўмаклашиши масалаларини муҳокама қилдик. Бизнинг ҳамкорлигимиз ҳам, шубҳасиз,

**«Жаҳон» АА.**

## Ижтимоий фикр

*Мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизими яратилгани мустақиллик йилларида эришилган энг катта ютуқларимиздандир.*

# Инсон ҳуқуқлари ҳимояси — устувор вазифа

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида алоҳида таъкидлангандек, фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш — Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг асосий мақсадларидан биридир.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган бу галги махсус ижтимоий сўров ана шу масалага бағишланди. Мазкур тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ушбу ислоҳотлар моҳияти ва уларни рўёбга чиқариш йўналишлари бўйича хабардорлиги сезиларли даражада ўсган. Хусусан, аҳолининг бу борадаги хабардорлик даражаси 90 фоизни ташкил этиши сўров натижаларида кўзга яққол ташланди. Респондентлар суд-ҳуқуқ ислоҳотлари хусусидаги асосий ахборотларни оммавий ахборот воситаларидан олишаётганлигини қайд этишди. Республикамиз аҳолисининг аксарият қисми бу ислоҳотларнинг пировард мақсадини, аввало, инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлашмоқда. Уларнинг фикрича, ўзгаришлар замирида барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва инсон ҳуқуқлари муҳофазаси устуворлиги мужассамдир. Иштирокчиларнинг таъкидлашича, мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг муваффақиятли кечгани, биринчи галда, яқинда 20 йиллиги кенг нишонланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан бевосита боғлиқдир. Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 90 фоиздан ортиғи Конституцияни ўрганиш зарурати ундан шунчаки хабардор бўлишгина эмас, балки давлатимизнинг Асосий Қонунини ҳар бир фуқаро теран билиши шартлигини англаб етишдан иборат, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий сўровда қатнашганларнинг аксарият қисми (90 фоиздан зиёди) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари асосида 2008 йил 1 январдан кучга кирган ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда "Хабеас корпус" институтининг жорий этилишини тўлиқ қўллаб-қувватлашини маълум қилган. Умуман, ижтимоий сўров натижалари мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари самаралари рўёбга чиқарилаётганини яққол кўрсатди.

(Давоми 2-бетда).

# Иқтидорли ва фаол

## талабаларга грант сертификатлари топширилди

*Кеча пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Фонд форум" ҳамда "Меҳр нури" жамғармаларининг иқтидорли ёшлар учун грантлар дастурлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, талабалар ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари қатнашди.*

## Рағбат

Маълумки, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармаларининг олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган энг фаол, интилувчан ҳамда ташаббускор ёшларга молиявий кўмак беришга қаратилган ушбу лойиҳалари бугун минглаб иқтидор соҳибларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир. Шу боис грантлар учун ўтказилаётган танловларда иштирок этиш истагидаги ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Хусусан, жорий йилги "Таълим грантлари" ва "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар" дастурларида 3900 нафар йигит-қиз қатнашди. Улардан 237 нафари танлов ғолиби сифатида сертификат соҳиби бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# Қонун лойиҳаси муҳокамаси

*Пойтахтимизда Ўзбекистон экологик ҳаракати ташаббуси билан "Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўрни ва аҳамияти" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

## Давра суҳбати

Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган мазкур анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳалла фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари мутахассислари қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

## Дил сўзи

*Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида бу ерда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этди.*

# Кўҳна замин жозибаси

## замонавий инфратузилмаси билан сайёҳларда унутилмас таассурот қолдирмоқда

Айниқса, воҳамизда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муҳим соҳа — туризм йўналишида кўзга кўринарли ютуқларга юксак баҳо берди.

Дарҳақиқат, туризм инфратузилмасини, хусусан, Урганч ва Хива шаҳарларида ихчам меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатадиган иншоотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги 10 йилда меҳмонхоналар сони қарийб тўрт баробарга кўпайгани, сайёҳлик фирмаларини ташкил этиш фаоллашгани натижасида Хоразм вилоятига ташриф буюраётган меҳмонлар сони 3 баробардан зиёд ортгани мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасидир.

Айни пайтда 2012 — 2014 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматлар экспорти ҳажмини кўпайтириш бўйича манзилли чора-тадбирлар дастурига доир ишлар изчил рўёбга чиқарилмоқда. Пировардида хизматлар кўрсатиш сифати ва савияси яхшиланиб, бу, ўз навбатида, сайёҳлар оқимининг йил сайин ортишига хизмат қилаяпти. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойида жаҳоннинг 78 давлатидан 25 минг нафарга яқин сайёҳлар ташриф буюргани, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2000 тадан зиёд эканлиги буни яққол исботидир.

(Давоми 2-бетда).

# ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУРЛАР — АМАЛИЁТГА

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***Мамлакатимизда 2012 йилнинг дастлабки олти ойида жорий йилги Инвестиция дастурига киритилган***

**46 та лойиҳани амалга ошириш ниҳоясига етказилди.**

Натижада иқтисодиётимизнинг автомобилсозлик, геология, енгил саноат, энергетика каби муҳим тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдиришга эришилди.

# Қонун лойиҳаси муҳокамаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишган эди. Мазкур қонун лойиҳаси ўтган вақт давомида Концепция ижросига қаратилган норматив-ҳуқуқий актлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ташкил этилган комиссия ва экспертлар гуруҳи томонидан қайта кўриб чиқилиб, янада мукаммаллаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича муҳим давлат дастурларини бажаришдаги иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратиш, экологик йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг, биринчи навбатда, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик талабларини бажаришдаги фаолиятини янада кучайтиришни таъминлаш, шунингдек, уларнинг мамлакат ҳудудларида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси йўналишидаги вазиятни мониторинг қилишдаги иштирокини кенгайтириш масалалари қамраб олинган. Қонун лойиҳаси мазмуни, мақсади ва аҳамиятини аҳолининг барча қатламларига етказиш мақсадида махсус видеоролик тайёрланди. Унинг концепцияси Ўзбекистон экологик ҳаракати ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг интернет сайтларида жойлаштирилди.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган барча тадбирлар маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

2011 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон экологик ҳаракати, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Соғлом авлод учун", "Нуроний" жамғармалари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, олий ўқув юртлари, экологик ва тиббиёт йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамкорлигида 100 дан ортиқ тадбирлар ўтказилгани, уларда 20 мингдан зиёд фуқаро иштирок этгани ана шундан далолат беради.

Қонун лойиҳаси муҳокамалари жараёнида эса жамоатчиликнинг экологик назорат бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш билан боғлиқ 90 дан зиёд таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Давра суҳбатида, шунингдек, "Экологик назоратни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари", "Жамоатчилик экологик назорати: миллий тажриба ва хорижий амалиёт", "Экологик назоратни амалга оширишда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги механизмини такомиллаштириш" ва "Жамоатчилик экологик назоратида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ўрни" мавзуларида маърузалар тингланди.

Қизғин ва мунозарали тарзда кечган тадбирда иштирокчилар мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлашда, соғлом муҳит яратиш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

Анжуман сўнгида Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлардан иборат хулосалар ва тавсиялар қабул қилинди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Иқтидорли ва фаол

## талабаларга грант сертификатлари топширилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида таҳсил олаётган Аброр Назаров "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар" лойиҳасида иштирок этиб, илк бор ана шундай имтиёзга эга бўлди. Айни пайтда "Инглиз тили ва бизнес" мавзуида илмий тадқиқот олиб бораётган талаба аъло ўқиш, изланиш билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

— Университетимиз қошида "Талабалар бирлашмаси"ни ташкил этганмиз, — дейди у. — Бирлашманинг асосий вазифаси тенгдошларимизнинг ютуқ ва муаммоларини ўрганиш, изланувчан дўстларимизга амалий жиҳатдан кўмак бериш, яъни уларнинг юртимизда мавжуд ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, бўш вақтни мазмунли ўтказишга қаратилган турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишдир. Ўтган қисқа муддатда бирлашма кўмаги билан кўплаб талабалар "Камолот" ЁИҲ, "Келажак овози" ЁТМ ҳамда "Келажак лингво" марказининг турли лойиҳаларига жалб қилиндилар.

Тадбирда ана шундай ташаббускор ва илғор фикрли ёшларнинг эришган ютуқлари, шунингдек, ҳозирги кунда амалга ошираётган истиқболли лойиҳалари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Қайд этилганидек, мамлакатимизда навқирон авлоднинг етук тафаккур ва юксак маънавий фазилатлар соҳиби бўлиб камолга етиши йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар туфайли бугун ёшларимиз фахрланса арзигулик муваффақиятларга эришмоқдалар. Куни кеча юртимизнинг футбол бўйича ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионати финал босқичида ғолибликни қўлга киритиб, минтақамиз тарихида илк маротаба чемпион номига сазовор бўлганлиги ҳам ушбу фикрнинг амалий тасдиғидир.

— Юртимизда биз, ёшларнинг ўзимиз қизиққан йўналиш бўйича катта ютуқларга эришишимиз учун барча имконият яратиб берилган, — дейди терма жамоа аъзоси Иброҳим Абдуллаев. — Ўзим ҳам болаликдан футбол ишқибозиман. Етти ёшдан машғулотларга қатнай бошлаганман. Ҳозирги кунда Республика олимпия захиралари коллежида малакали мураббийлар қўлида таҳсил олаяпман. Ростини айтсам, бу йил ўсмирлар терма жамоаси аъзоси сифатида Осиё чемпионатида иштирок этиш ва ғолибликка эришиш менга ғурур бахш этди. Келажакда жаҳонга машҳур футболчи бўлиш мақсадим янада қатъийлашди.

Иқтидорли ёшларга грант топшириш маросимида чемпион жамоа аъзоларига ташкилотчиларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг "Келажак овози" ЁТМ фаолларининг видеоанжумани ўтказилди. Он-лайн мулоқотда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардаги етакчи ёшлар келгусидаги режалари, ғоя ва ташаббуслари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган сурат.**

# Мамлакатимизда:

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Наманган

*Янгиқўрғон туманидаги "Ибрат ривожи меваси" фермер хўжалиги тасарруфидаги экинзор ва иссиқхоналарда йил давомида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилади.*

## Фермернинг қайта ишлаш корхонаси

Эндиликда бу ерда илғор технологиялар ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларни бежирим идишларга қадоқлаш ҳам йўлга қўйилди.

Қишлоқ мулкдори Нўъмонжон Умрзоқов саъй-ҳаракати билан амалга оширилган мазкур лойиҳа туфайли кичик корхонада кунига 10 тоннагача сабзавот қайта ишланмоқда. Бу эса ҳудуддаги деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай қайта ишлаш имкониятини яратди. 12 киши меҳнат қилаётган цехда жорий йилда 600 тоннадан зиёд хом ашё қабул қилиб олинди. Ўтган қисқа фурсатда дастлабки 100 тоннадан ортиқ томат пастаси буюртмачиларга етказиб берилди.

Таъкидлаш лозимки, вилоятдаги қайта ишлаш корхоналари томонидан жорий йил давомида 133 минг тоннадан зиёд мева-сабзавотни қайта ишлаш мўлжалланаяпти.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сурхондарё

*Термиз туманидаги "Намуна тезкор қурилиш" масъулияти чекланган жамиятида иккиламчи хом ашё — пластмасса чиқиндиларидан полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

## Инновациялар ва экологик мусаффолик

Бу нафақат маҳсулот таннархининг арзонлиги, балки атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга ҳам хизмат қилаяпти.

— Ташлаб юборилган елим идишлар ҳамда иссиқхоналарда фойдаланилган плёнкалар атроф-муҳит учун катта зарар келтиради, — дейди корхона ходими Давлат Маматқулов. — Шуни ҳисобга олиб тайёрлаган лойиҳамиз банк томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди ҳамда 150 миллион сўмлик кредит билан молиялаштирилди.

Вилоятда тижорат банклари томонидан жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча манбалар ҳисобидан 127 миллиард 196 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сирдарё

*Ширин шаҳридаги "Sirdaryo IES" корхонаси тасарруфидаги сув ҳавзаларида Африка лаққа балиғи етиштириш йўлга қўйилди.*

## Ҳавзадага хазина

— Ўтган йилнинг май ойида Голландиядан 8 минг дона Африка лаққа балиғи чавоқларини келтириб, ҳовузларга ташладик, — дейди мазкур балиқчилик хўжалиги раҳбари Наим Ризаев. — Негаки, ушбу балиқ тури бизнинг иқлим шароитимизга мос бўлиб, ундан катта даромад олиш мумкин. Жумладан, Африка лаққаси сергўшт бўлиши билан бирга, сувсиз ҳудудда, аниқроқ айтганда, лой орасида 48 соатгача яшай олади. Бу эса уни сифатли сақлаш имконини беради. Қолаверса, хориж балиғи озуқани сув сатҳидан териб ейди. Натижада ҳавзага ташланган омихта ем исроф бўлмайди.

"Sirdaryo IES" жамоаси йил охирига қадар 50 тонна парҳез гўшт етиштиришни режалаштирган.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тошкент вилояти

*Янгийўл туманидаги болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Elnur&Ruslan Textile" хорижий компанияси ўз фаолиятини муттасил кенгайтирмоқда.*

## Болажонларга аталган либослар

Ўтган 3 йил мобайнида унинг "Bambino", "Simarik", "Elnur Baby" савдо белгилари остида сотувга чиқарилган кийим-кечаклари ички ва ташқи бозорда ўз харидорларини топиб улгурди. Бугун компания маҳсулотларининг 85 фоизи Европа ҳамда МДҲ мамлакатларига экспорт қилинаётгани ана шунинг далолатидир.

Яқинда компания негизида яна бир янги қувват ишга туширилди. Банкнинг бир миллиард сўмлик молиявий кўмаги билан бунёд этилган тикувчилик фабрикасида кичкинтойлар учун турли ўлчам ва дизайндаги замонавий либослар тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада 420 кишининг бандлиги таъминланиб, ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоизга кўпайиши учун имконият яратилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Юқори малакали кадрлар тайёрлаш масъулияти

*Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан "Сиёсий жиҳатдан етук раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш: амалиёт ва янги тажрибалар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

### Тадбир

Маълумки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга оширишда раҳбар кадрларни тайёрлаш масаласи муҳим ўрин тутади. Президентимизнинг жорий йилда эълон қилинган "Давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Зеро, мазкур ҳужжатда белгиланганидек, бугунги кунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий аҳамият касб этувчи ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш айни заруратдир.

Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси республика миқёсидаги ҳамда маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ихтисослашган, давлат ҳамда жамият бошқаруви соҳасида фундаментал ва амалий илмий изланишлар олиб борувчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ушбу даргоҳда жорий этилган таълим тизимига кўра, бошқарув кадрлари икки йиллик таълим дастури асосида ўқитилади. Битирувчилар магистрлик даражаси ҳамда "давлат бошқаруви" ва "жамият бошқаруви" мутахассисликлари бўйича магистрлик дипломига эга бўладилар.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Қува анорлари

## хорижликлар дастурхонига ҳам файз киритмоқда

*Қува тумани Фарғона водийсининг чинакам дурдонасидир. Бу ернинг деҳқонлари меҳнатсеварлиги билан ном қозонган. Айниқса, анор етиштириш борасида уларнинг олдига тушадигани йўқ. Шу боис Қува анорлари нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам маълум ва машҳур.*

### Мавсум



Айни пайтда тумандаги "Анор" ихтисослаштирилган агрофирмаси таркибидаги 50 дан зиёд фермер хўжалигида ушбу куз неъматининг 30 дан ортиқ тури парваришланаяпти. Эътиборлиси, етиштирилган ҳосилнинг ички эҳтиёждан ортган қисми экспорт қилинаётир. Ҳозиргача қувалик соҳибкорлар минг тоннадан зиёд анорни истеъмолчиларга етказиб берди. Айниқса, бу борада тажрибали соҳибкор Баҳодиржон Раҳимов етакчилик қилаётган фермер хўжалиги аъзоларининг ҳиссаси катта бўлди. Жамоа Каркидон қирларида яратган анорзордан ҳар йилгидан ҳам мўл ҳосил олди. Келгуси йилларда яна беш гектар майдонга ўтказилган кўчатлар ҳам мева бера бошлайди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ**
**олган сурат.**

# Инсон ҳуқуқлари ҳимояси — устувор вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буни сўров қатнашчиларининг кўпчилиги (89 фоизга яқини) давлат ва жамият ҳаётининг ушбу соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижаларини ҳис қилаётганини қайд этишгани ҳам тасдиқлайди. Фуқароларимизнинг фикрича, ушбу натижалар қонунчиликнинг такомиллаштирилаётгани, фуқаролар мурожаатлари, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ошаётганлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида ўз аксини топган.

Ҳамюртларимиз орасида ҳуқуқий демократик давлатда яшаётган фуқаролар тегишли ҳуқуқий билим ва қадриятларга, шунингдек, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши керак, деган қараш ўсиб бормоқда.

Иштирокчиларнинг кўпчилиги (94 фоизи) фуқаролик ҳуқуқларининг бузилиши ва камситилиши мумкинлигидан ҳуқуқий жиҳатдан пухта ҳимоя қилинганига ишонади. Улар ўзларининг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ёрдам олиш, меҳнати, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари таъминланаётганини юқори баҳолайди.

Тадқиқот давомида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг амалга оширилиши натижасида фуқаролар ўз ҳуқуқлари бузилган ёки камситилган ҳолларда, уларни ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш тўғрисида турли даражадаги идораларга мурожаатлари адолатли ҳал этилишига қатъий ишониши аниқланди. Сўров иштирокчиларининг 70 фоиздан кўпроғи шундай фикр билдирди. Эътиборли жиҳати, фуқароларимиз бундай масалалар бўйича нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, балки Омбудсман институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа нодавлат ташкилотларига ҳам мурожаат қилишаётир. Бу мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланаётгани, унинг институтлари роли кучайиб бораётганидан далолат беради.

Фуқароларимиз жиноятчиликка қарши кураш суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Аксарият сўров қатнашчилари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бу борада амалга ошираётган чора-тадбирлар юқори самара бераётганини қайд этди. Ижтимоий тадқиқот уларнинг мазкур йўналишдаги фаолияти ижобий баҳоланаётганини кўрсатди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз аҳолиси одам савдоси, порахўрлик, уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни ҳам юқори баҳоламоқда.

Ўтказилган тадқиқот фуқароларнинг Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига ишончи комил эканини кўрсатди.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида**
**Элдор МУДАРИСОВ**
**тайёрлади.**

# Кўҳна замин жозибаси

## замонавий инфратузилмаси билан сайёҳларда унутилмас таассурот қолдирмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дунё аҳолисини юртимизга янада кенгроқ жалб этиш мақсадида тарихчи ва археолог олимлар билан ҳамкорликда янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда. "Хоразмнинг олтин ҳалқаси" сайёҳлик йўналиши — шулардан бири. Бу Ҳазорасп қалъаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли ва Элликқалъа туманларидаги ўнлаб қадимий қалъа ёдгорликларини қамраб олади.

Қўлга киритилаётган муваффақиятларни мустаҳкамлашда, маълумки, туроператорлик билан шуғулланувчи сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ушбу йўналишларда ҳам муайян ишлар олиб борилаётир. Жумладан, Урганч давлат университети ва Урганч туризм коллежини ҳар йили юзлаб кадрлар битираётган бўлса, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси қошидаги "Ўқув консалтинг маркази"нинг вилоят бўлимида ходимларнинг малакаси оширилаяпти.

Шу билан бирга, сессияда бу йўналишда ҳали жуда кўп иш қилиш кераклиги таъкидланди. Хусусан, сайёҳлар сонини янада ошириш учун чет давлатларга қатнайдиган чартер рейсларни, хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатадиган янги объектларни кўпайтириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш шундай вазифалар сирасига киради.

Давлатимиз раҳбарининг қимматли маслаҳатлари ва йўл-йўриқларидан келиб чиқиб, ҳозирданоқ бир нечта истиқболли лойиҳалар бўйича ишлар бошлаб юборилди. Масалан, Хоразмда бой маданий тарихга эга обидалар ниҳоятда кўп бўлса-да, ҳали уларнинг ҳаммаси ҳам сайёҳлик йўналишларига тўлиқ киритилгани йўқ. Шулар инобатга олиниб, "Кат қалъа" ва "Қалъажиқ" қадимий обидалари йўналишларини очиш, Амударё бўйида эса экотуризм ҳудудларини ташкил қилиш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ҳунармандчилигимиз, қисқача айтганда, сайёҳлик салоҳиятимиз тараннум этилган фильмларни яратиш кўзда тутилмоқда.

Буларнинг бари сайёҳликнинг сердаромад соҳалардан бирига айланишига, пировардида Ўзбекистонимиз шон-шуҳратининг дунёга янада кенгроқ ёйилишига хизмат қилиши муқаррар.

**Одилбек РАҲИМОВ,**
**«Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг Хоразм минтақавий бўлими бошқарувчиси.**

## Молия муассасаларида

*Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси банк-молия тизимидаги ижобий ўзгаришларда кўзга яққол ташланмоқда. Зеро, молия муассасаларининг аҳоли манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб бораётган фаолияти юртимизда тадбиркорлар сафи кенгайишига, бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга, энг муҳими, қўшимча иш ўринлари яратилиб, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаяпти.*

# Кафолатли ва ишончли хизмат

Жорий йилнинг ўтган олти ойида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида оилалар фаровонлигини таъминловчи кўплаб лойиҳалар учун барча манбалар ҳисобидан 1,1 триллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Мазкур жараёнда молия муассасаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Буни "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкининг ярим йиллик фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Молия муассасаси шу давр ичида барқарорликни ошириш, ресурс базани мустаҳкамлаш борасида кўрган чора-тадбирлар натижасида барча кўрсаткичлар бўйича ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада ўсиш кузатилди. Хусусан, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, унинг капитали 194,2 миллиард сўмга, депозит базаси 1 триллион 270 миллиард сўмга етди. Активлари ҳажми эса 3,2 триллион сўмдан ошди.

Айни пайтда унинг 37 та филиали, 121 минибанки, 500 дан ортиқ жамғарма кассаси ва 143 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали 70 мингта юридик ҳамда 970 минг нафар жисмоний шахсга банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, банк ресурс базасининг ўсиши, ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг турли тармоқларига ажратилаётган кредитлар ҳажмини ошириш имкониятини яратмоқда. Молия муассасасининг бундай самарали фаолияти эса халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилаяпти. Жумладан, жорий йилнинг май ойида "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки "Standard & Poor`s" агентлиги "B+/B" "барқарор истиқболли" рейтингига лойиқ топилди. Бу нафақат ушбу молия муассасаси, балки мамлакатимиз банк тизимига берилган юксак баҳодир.

Тадбиркорлар ҳар қадамда давлатимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлигини ҳис қилмоқдалар. Бу тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун берилаётган имтиёзли кредитлар салмоғи ошаётганида ҳам яққол намоён бўлаётир.

***"Ипотека-банк" АТИБ томонидан 2012 йилнинг 9 ойида 5100 тадан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 320,6 миллиард сўм миқдоридаги кредитлар берилди. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 1,3 баробарга кўпдир.***

Муҳими, бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида етти мингтадан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида банк микрокредитлар ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратгани боис, бу йўналишда ҳам ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар ўсишга эришилди.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, банк томонидан 1112 нафар тадбиркор аёлга жами 29,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани хотин-қизларга хос меҳнат турларини ривожлантиришга ва 1127 та иш ўрни ташкил этилишига замин яратди.

Тадбиркорликни бошлаш ниятидаги юртдошларимиз, шу жумладан, касб-ҳунар коллежларини битириб, ўз бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилаётган ёшларга ҳам "Ипотека-банк" АТИБ ўз хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бунга молия муассасаси ўз маблағлари ҳисобидан 2,0 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратгани ёрқин бир далилдир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда ўша йил 28 январдаги "Маҳаллий нозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга молик. Хусусан, молия муассасаси ушбу ҳужжатларнинг изчил ижросини таъминлаш мақсадида 119 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирди. Бу эса ички бозорнинг янги маҳсулотлар билан бойишига хизмат қилди.

Қолаверса, "Ипотека-банк" АТИБ Инвестиция дастурига банкнинг асосий мижозлари — "Олмалиқ кон-металлургия комбинати", "Ўзметкомбинат", "Тошкент иссиқлик электр марказИ" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Река мед фарм", "Намимпэкс текстиль" масъулияти чекланган жамиятлари, "Дентафил плюс", "Радикс" хусусий корхоналари, "Ҳаёт пауэр кабель системс" қўшма корхонаси сингари ўттиздан ортиқ лойиҳалар киритилгани банк жамоаси зиммасига катта масъулият юкламоқда.

"Ипотека-банк" АТИБ чакана хизматлар кўрсатишда катта тажриба тўплаган молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Банк томонидан жисмоний шахсларнинг миллий ва хорижий валютадаги маблағларини депозитларга жалб қилиш, уларга истеъмол ва ипотека кредитлари бериш, пластик карточкалар муомаласи каби юздан зиёд турдаги хизматлар тақдим этилаётгани бунинг тасдиғидир. Шунга кўра, ўтган тўққиз ой давомида аҳолидан жалб қилинган омонатлар миқдори 238,3 миллиард сўмга етиб, йил бошидагига нисбатан 44,6 миллиард сўмга ортди.

Шу билан бирга, ўтган даврда молия муассасаси жисмоний шахсларга узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олиш учун истеъмол кредитлари беришни ҳам изчил давом эттирди. Бунинг учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан яқин алоқа ўрнатилгани айни муддао бўлди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш "Ипотека-банк" АТИБнинг асосий вазифаларидан бири саналади. Банк жамоасининг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари, аниқроғи, молия муассасасининг умумий ҳисобда 161,5 миллиард сўмлик ипотека кредитлари эвазига 5951 оила янги хонадонларга кўчиб ўтди. Жорий йилда эса шундай оилалардан 358 тасига 18,8 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Мазкур маблағнинг 16,2 миллиард сўми ёш оилаларга берилгани диққатга сазовордир.

Банк жамоасининг пластик карточкалар билан ишлаш амалиёти ҳам таҳсинга лойиқ. Умуман олганда, 2012 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, банк мижозларига тарқатилган пластик карточкалар сони 826 мингтадан ошди. Бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 35,5 мингтага кўпдир. Савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларига берилган терминаллар сони эса 12374 тани ташкил қилди. Пластик карточкалар орқали 986,4 миллиард сўмлик нақдсиз транзакциялар амалга оширилди. Бу жами транзакцияларнинг қарийб 80 фоизини ташкил этди. Бу борадаги кўрсаткич ҳам йил бошидагига нисбатан 4,5 баробарга ортди.

